

Автоматкор ҳаётида қандай қилдиришмоқда?

Бунга факат ижобий эътибор бериш мумкин. Буларнинг ҳаммаси меҳнат унвонидорлигига шай сифатларни оқшиштири, планларини тасдиқлаш бажарилишига ёрдам бермоқда. Масалан, шу йилнинг дастлабки чети кварталда 601 минг сўм ўрнига 610 минг сўм даромад қилинган. План 107,4 процент қилдириб бериб қолди.

Утган йили автопарк қўшниқлари очилишдан ҳайдовчиларга таърирлаш курсини 90 кишига таъмомлаб чиқди. Бу йил яна 25 киши шоёрлиқ гувоҳномасини олади. Ёш ҳайдовчиларга нисбатан саа таълим қилиш билан муносабатини бултирмоқда.

Автоматкор коллективининг КПСС XXVII съезди ҳам қўшниқларни Компартиянинг XXIII съезди қарорлари руҳида яна яна таърирлаш билан саа сийсий-тарбиявий ишларини тобора қучайтирмоқда.

Э. ҲАЙДАРОВ,

ХАЛҚ КОНТРОЛИ

САҲИФА № 4 (288)

ҲАРАЖАТИ БИР СЎМ, ФОЙДАСИ БЕШ СЎМ

Илмий тадқиқотлар самардорлигини ошириш юзасидан партия XXVII съездида қўйилган янги вазифалар ҳар бир ҳодим оғинга чуқур сингир болади. Ҳозирги пайтда илмий тадқиқот планларининг ўз вақтида бажарилишини таъминлаш, изланишлар қўламини кенгайтириш, мевади дахлатлар ва озуқа экинлари навларини кўпайтириш юзасидан бошланган ишлар жадал давом этаётган.

Кейинги йилларда олимларимиз узуминг «Қорағўза», «Парлет», «Вира» деган навларини районлаштирилди. Ғалланнинг янги «Унумли бурдой» нави сўғориладиган ерларга экинли ҳар гектардан 60 центнердан ҳосил олимоқда. «Тригале», «Узор», «Прак-1» деб номланган навлар эса чорва учун тўйимли озуқа берадиган. Умуман ҳозир ўсимликларнинг 50 хил нави районлаштирилган. Яна 60 хил давлат синовидад ўтаётган.

Институт бўйича илмий-тадқиқот ишларига сарфланган ҳар бир сўмлик маблағ давлатга салкам беш сўмлик фойда келтирилади. Бунда филиалимиз олимларининг ҳам муносиб ҳиссаси бор.

Халқ контроли группаси илмий-тадқиқотлар самардорлигини ошириш, моддий ресурслардан оқилона фойдаланиш, барча участкаларда тартиб ва интизом ўрнатилиш устидад пухта назорат қилиб турибди. Группамизнинг 33 аъзоси бор. Уларнинг қарийб ярми олим маълумотли мутахассис, 8 нафари фан кандидатидир. Жамоатчилар 1985 йил ва шу йилнинг дастлабки квартал давомида 30 га яқин йирик текширувлар ўтказдилар. Группанинг бюроси аъзолари бу текширувларга бошчилилик қилдилар.

Одатда кўпгина текширувлар олдидан тузиб олинган план асосида уюштирилади. Планимиз йил бошида партия бюроси мажлисида тасдиқланган. Айтилган пайтда ишчи ва хизматчилардан тушган сигналлар асосида ҳам текширувлар ўтказмоқдамиз. Бундай сигналлар юзасидан кўрилган чоралар алоҳида журналга қайд этиб борилади.

Ўтган ойда турар-жой массивидан келган бир сингал бўйича оммавий рейд уюштирилди. Рейд давомида кўпгина квартираларда газ плиталари, санитария узеллари, иситиш системаси ремонтлаб бўлиб қолганлиги аниқланди. Текширув якуни бўйича дирекция бўйруғи чиқарилиб, назоратчилар аниқланган камчиликларни бартараф этиш экспериментал участка директори А. Имомбоев ва турар-жой коммунал хўжалиги комендант Ф. Кабула зиммасига юклатилди. Турар-жойларда слесарлар навбатчилиги ташкил этилди. Ҳар бир ҳов

Группалар фаолиятидан

лида меҳнаткашлардан тушадиган зиянкалар учун ишчилар ўрнатилди.

Филиалда турта бўлим, учта лаборатория, уруғчилик, қўчатчилик, мевачилик, узумчилик бригадалари, автотехника парки ва бошқа хил хўжаликлар бор. Ички участкаларда цех халқ контроли группаси ва постлари тузилган. Улар ҳар бир жараёнинг бажарилишини доимий назорат қилиб турибдилар, ўтказилаётган оммавий рейдларда актив иштирок этмоқдалар. Рейдларга биз комсомол проектор штаби, маъмурият фаолиятини назорат қилувчи комиссия аъзоларини, депутатларни ҳам жалб қилаемиз. Бундай текширувлар масала чуқурроқ ёндошишга, амалий тадқиқотлар ишлаб чиқишга, камчиликларни ўз вақтида бартараф этишга ёрдам беради.

Енгил-моиллаш материаллари сарфетини текширишимизда бизга мутахассислардан А. Раҳимов, А. Пимов ва М. Ёлдошев катта ёрдам бердилар. Улар кўмағида енгил қўйиш станциясидаги мавжуд камчиликларни очиб ташладик. Рейд якуни дирекцияда муҳома қилинган тезда енгил қўйиш аппаратлари тўла автоматлаштирилди. Спидометри бузуқ машиналар рейсга чиқарилмайдиган,

ҳайдовчилар йўл арақаси аниқ тўлдирилмайдиган бўлди. Кўрилган амалий чоралар туфайли шу йилнинг дастлабки кварталдаёқ 4 тонна ёнгил иқтисод қилинди.

Группамиз иштини янада жонлантириш устида филиал партия бюроси, Оржоникидзе район халқ контроли комитети алоҳида қайғурмоқдалар. Партия бюросида ҳар ойда бир марта бажараётган ишларимиз ҳақида ҳисобот бериб турибмиз. Шу ҳисоботлар асосида ютуқларимиз баҳоланадиган, эътиборимиз бундан бўлиб бажарилиши лозим бўлган вазифаларга қаратилган. Район халқ контроли комитети мажлисида ҳам группамиз фаолияти вақти-вақти билан кўриб чиқилипти. Шундай мажлисларнинг бирида яқинда ҳисоб бердик.

Назорат ишларини ташкил этишда тўллаган тажрибаларимиздан ҳозир кўпчилик хабардор. Ўтган йили янги сайланган район халқ контроли комитетлари раисларининг республика семинари қатнашчилари ҳам филиалимизга келиб группа иши билан танишиб кетдилар. Рейдларга тайёргарлик қилиш ва уларни ўтказиш, ҳужжатларни расмийлаштириш бўйича бажараётган ишларимиз уларга маълум тушди. Айни пайтда назоратчилар малакасини ошириш, уларни ўқитиш бўйича бизга зарур тавсиялар беришди. Шу тавсиялар асосида ҳар ойда бир марта назоратчилар ўқувини ташкил қилишимиз.

Камчиликларни бартараф этишда фаол иштирок этаётган назоратчилар номини ҳамма ҳурмат билан тилга олади. Назоратчилардан ишчи Ф. Қорбаев илмий ҳодимлар К. Курдюкова, Г. Нилова, электр лавандчи Р. Галеевичнинг портретлари Ҳурмат тахтасидан жой олган. Ички ички республика халқ контроли комитетининг Фахрий ёрлиғи билан тақдирланган.

Б. САТТОВОВ, Н. И. Вавилов номли Бутуниттқот ўсимлик-нослик илмий-тадқиқот институтини ўрта Осиё филиали халқ контроли группасининг раиси, биология фанлари кандидати.



Социалистик мулк-дахсиз БРИГАДИРЛАР ЕРГА ҚАРАДИ

Группанинг навбатдаги бюро мажлисида бригада бошлиқлари Обид Аҳмедов билан Саидмат Шарипов ҳам тақдиф этилди. Чунки кейинги текширув шу бригадада бўлган эди. Рейд давомида уруғчи картошканинг бир қисми яроқсиз ҳолга келиб қолганлиги маълум бўлди. Бу ҳол алоҳида бригада раҳбарларининг эътиборсизлиги, уруғчи картошкани саклаш устидад назоратнинг бўшашиб кетганлиги оқибати эди.

Муҳомада чоғда бригадирлар назоратчилар билдирган ҳамма эътирозларини тўла таниди. Келтирилган зарарнинг бир қисмини тўлашга, қолган уруғчи картошкани саралаш экинга тай-кёрла қўйишга сўз бердилар. Такорий текширув ўтказилганда илгари маълум бўлган камчиликлар, тўла бартараф этилганлиги аниқланди. Ўртаги картошқа вақтида экиб олинди.

Тошкент районидagi Со- бир Раҳимов номли колхоз халқ контроли группаси аъзолари бадирги экин камчилиги олдидан ҳамма соҳани бир-бир текшириб чиқилди. Рейдларнинг бири автотрактор паркида бўлди. Уш қуни паркиннинг оқиқ майдонларида эҳтиёт қисм-

лари, механизмлар тартибсиз сочилиб ётган эди. Гар- ражда тартиб-интизом умуман бўшашиб кетганди. Текширув якунилари халқ контроли группаси мажлисида муҳома қилиниб шоб инженер Раҳматулла Шерматов ва механик Абдулла Ёқубов қаттиқ огоҳлантирилди. Территориянинг тартиб келтириш бўйича дар- хол шабаблик уюштирилди. Колхоз раислисини олган марказлашган янги авто- трактор парки қўриш вази- фаси қўйилди. Бу объект 1986 йил планига киритил- ди.

Группанинг 79 аъзоси бў- либ, улар барча тармоқлар- ни назорат остига олганлар. Ҳозир навбатдаги рейдга тайёргарлик қилинапти. Назоратчилар экин сифати- ни текширишмоқчи. Нарикор- бори озуқа экинлари парва- рини қандай йўлга қўйилган- лиги билан танишадилар. Колхозчиларнинг ишга келиб кетиши ҳам текширилади. Рейдларда қатнашадиган назоратчилар олдидан бел- гилаб қўйилган. С. Шерму- хамедов, Р. Тоиров, Х. Ҳа- кимов каби актив назоратчи- лар бу ишда бош-қош бўла- дилар.

М. ТУРБОВ.

қарейди. Масалан, грамплас- тинка заводда ўтказилган рейдда вентиляция системаси ишдан чиққанлиги аниқланди. Шунда у тўғри корхона раҳ- барлари кузурига борди. Завод раҳбарлари венти- латорларни ремонт қилиш чо- раларини кўрдилар.

Абдусоттор ака табиятан ноҳақлик билан мурося қила олмайди деган одам, Улуғ Ватан урушининг қатнашчиси. Шунинг учун заводда ишлаган пайтда ёшлар уни жуда ҳурматлашар- ди. Узоқ йиллар давомида завод партия бюросининг секретари бўлди. Тошкент шаҳар, Куйбисев район партия коми- тетларининг аъзоси, район Со- вет депутатли сифатида кўп топшириқларни бажарди.

А. НОСИРОВА.
Суратда: А. Раҳматуллаев.

Область халқ контроли комитетида

ҲИСОБОТГА КИРМАЙ ҚОЛДИ

Чирчиқдаги «Электрхим- пром» ишлаб чиқариш бир- лашмаси оморларига кир- сангиз ўрнатилмай келаёт- ган кўпгина ускуналарга қў- зингиз тушади. Уларни қай- та ҳисоба олиб қўйиш эса корхона раҳбарларининг эси- га келмапти.

Одатда ортиб қолган ус- куналар ва материаллар янги йил келиши билан қай- та ҳисоб-китоб қилиб чиқи- лиши керак. Бош директор ўринбосари В. Я. Васенков ва моддий таъминот бўлими бошлиғи В. И. Хўжаевнинг бепарволиги билан 559 тон- на қора металл прокати ва металл бўюмлари, 23,9 тон- на рангли металл прокати эътибордан четда қолвер- ди.

Корхонада фонд интизо- мини мустақамлаш усти- дан ҳам қатъий назорат ўр- натилмаган. Ўтган йили тур- ли таъминотларга фонд ма- риалларидан 50 минг сўм- лиги бериб юборилди. Бун- дай хотамтойлик қимматга тушди. Республика Госна- би фонд материалларини талон-тароқ қилганлиги учун бирлашмага 49,4 минг сўмлик жарима солди.

«Тошкент» мебель ишлаб чиқариш бирлашмасида ҳам ортиқча ускуна ва материал- ларни қайта ҳисоб-китоб қи- лишга эътибор берилмапти. Олдинги йилларда бўлгани- сингари ўтган йили ҳам бу соҳада белгиланган қонда- лар кўпол равишда бузил- ди.

Ортиқча ускуна ва мате- риалларни ҳисоботдан чеги- риб қолган корхона раҳбар- лари област халқ контроли комитети мажлисида тегиш- ли жазоларни олдилар.

«Электрхимпром» ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директорининг ўринбосари В. Я. Васенковга қаттиқ ҳай- сан эълон қилиниб, ички ойллик маоши ҳажмида, бир- лашма моддий техника таъ- миноти бўлими бошлиғи В. И. Хўжаевга ҳам қаттиқ ҳайсан эълон қилиниб бир ойллик маоши ҳажмида пул на- чети солинди. «Тошкент» мебель ишлаб чиқариш бир- лашмаси директори П. Х. Тошмухамедовга эса қаттиқ ҳайсан эълон қилинди.

Текширув пайтида фили- ал директори В. Исаев ва унинг ўринбосари А. Ней- матуллаев қинғир ишларини яширишга, камчиликларни хасушлашга кўп уриниб қўйдилар. Лекин, бундан фойда чиқмади. Аниқланган фактлар молиявий интизом кўпол равишда бузилганли- гини кўрсатиб турар эди. Шунинг учун ҳам ҳар икка- ла раҳбарга қаттиқ ҳайсан эълон қилинди. В. Исаевга ажратилган маблағлар сар- фиёти устидад қатъий на- зорат ўрнатилиш вазифаси юк- ланди.

Текширув пайтида план- сиз объектлар қўришга ин- қиёб бўлган айрим қўри- лиш ташкилотлари ҳам маъ- лум бўлди. Уларнинг раҳбар- лари ҳам тегишли жазо ол- дилар.

ЗАРАРНИ КИМ ҚОПЛАЙДИ?

ФОТОАЙБНОМА

Илгари бу ер шинамгина шорт майдончаси эди. Май- дончада турли хил мусоба- қалар ўтарди, кичиктойлар ўйнади. Ҳозир эса занг бо- сан металл парчалари тева- рак-атрофия хира қилиб ётибди. Улар шунчалик кўп- ки, ҳатто оёқ босишга жой қолмаган.

— Буларни кесин учун пайдаланш ускунаси, унга эса кислородли баалон ке- рак, — дейди Коммунистик райондаги «Ленинскии путь» колхоз бош инжене- ри Г. А. Хван бамайлихотир. — Кислородни бошқа эҳти- ёжлар учун ишлатиб бўлди. Шунча ўтган металлдом аёса ярим йил — бир йил ётса осмон узиллиб ерга туш- майди. — Маана, бош инженернинг санаот нони ҳисобланган ме- таллга бўлган муносабати. Колхоз ўтган йили давлатга металлдом топириш пла- нини бажара олмади. Ваҳо- ланки, майдончада план у- ёқда турсин, мажбурийати ҳам қўллабдиган микдорда металлдом бор эди. Уларни «Узторчермет» корхона- ларига топириб, қарадан узил- лашга келганда колхоз раҳбарлари ҳафсаласизлик қилмоқдалар. Район агро- саноат комитети бу нохуш ҳо- ла тегишли баҳо беради, де- ган умиддамиз.

А. Зуфаров фотолари.

НАЗОРАТЧИЛАР ҲАҚИДА ҲИКОЯЛАР



Лак-бўёқ заводидан келган шикоят комитет аъзоларини ўйлантириб қўйди. Ишчилар заводда кейинги пайтда тур- кузбўямчиликларга йўл қў- йилмаётганини, техника ҳавф-

сизлигига риюя этилмаётганли- ги, меҳнат интизими бўшашиб кетганлигини маълум қилиш- ган эди.

—Шикоятни Абдусоттор Ра- ҳматуллаевга топширсак,—деди район халқ контроли комитети аъзоларидан бири. — У ки- ши бу заводда салкам ўттиз йил ишлаган. Узи принциплий коммунист.

Тақдиф ҳаммага маълум туш- ди. Район халқ контроли ко- митетининг штабсиз инспекто- ри А. Раҳматуллаев шикоят билан танишган, ҳаммаси дўст- лари кузурига борди. У ишчи- ларнинг кўпчилиги билан оқиқ суҳбатлашди, ҳужжатларни синчиклаб текшириб чиқди.

Ишчилар ҳақ гапни ёзишган экан. Завод раҳбарлари тех- ника ҳавфсизлиги билан жид- дий шугулланганлиги ишлаб чиқариш жараёнтларини яши- риш экан. Корхонадаги кам- чиликлар ҳам аниқланди. Штаб- сиз инспектор текшириш яку- ларини комитетга маълум қил- ди. Комитет йиғилишида кор- хонадаги тартибузорликлар жиддий муҳомаа этилди. Кўз- бўямчилик билан шугулланган раҳбарлар тегишли жазолари- ни олдиди.

Бу воқеадан сўнг бироз вақт ўтган Абдусоттор ака заводга бординда ишчилар унга мин- натдорчилик билдиришди. — Раҳмат, инспектор,— де-

йишди улар.—Сизнинг арала- шувингиздан кейин аҳвол кес- ки ўзгарибди. Техника ҳавфсиз- лигига оид чоралар кўрилди. А. Раҳматуллаев кишиларнинг шундай самийий сўзларини жамоатларига ишига беришган энг юксак баҳо деб ҳисоблай- ди. У ўн уч йилдан бери Куй- бишев район халқ контроли комитетининг штабсиз инспек- торидир. Шу давр мобайнида кўпдан-кўп текширишларда иш- тирок эгди.

Назоратчининг эътиборидан бирор нарса ҳам четда қол- майди. У ҳар бир текширув пайтида оддий меҳнаткашлар тўғрисида қилинаётган гомхўр- ликке алоҳида эътибор билан

БЕНЗИН ЎРНИДА ГАЗ

ТЕЖАМКОРЛИК — ШИОРИМИЗ

Автоколхозамиз халқ контроли группаси аъзолари ўтказаятган рейд ва текши- рувлар давомида иқтисодий тежамкорлик режимида қан- дай риюя этилаётганлиги кўздан кеирилмоқда. Биз- да тежаллан ёнгил ва эҳти- ёт қисмлари ҳисобига йил давомида бир ҳафтага ишлаб бераётган ҳайдовчилар оз эмас. Назоратчилар кўп- роқ шундай илғорлар таж- рибасини ўрганишга ва ом- малаштиришга эътибор бер- моқдалар.

Ҳайдовчилар мажбурият- ларга ҳақ қилиш билан бир- лашма ҳам ёнгил-моиллаш материаллари ҳамда эҳтиёт қисмлардан тежаб-тергаб фойдаланишга даъват этив- чи махсус банд бор. Мусо- багага якуни асалганда энг аввало шу бандга қўйилган талаб қандай бажаришга қарамай. Яқинда халқ контроли груп- паси аъзолари билан бирла- шмада тежамкорлик бўйича ташкил этилган мусобақа қандай самаралар бераётган- лигини текшириб чиқдик.

Текширув давомида об- ласть партия конференция-

си делегати, бригада бошли- ги Бахтиёр Жураев тежам- корликда энг юқори кўрсат- кичга эришганлиги маълум бўлди. У бир йил ичиди салкам 800 сўмлик эҳтиёт қисмларини иқтисод қилиб- ди. Г. Абдурахмонов, Ю. Зу- фаров, Н. Антошин каби ҳайдовчилар ҳам тежамкор- лар мусобақасида, актив иш- тирок этиб қувончли ютуқ- ларни қўлга киритяптилар.

Енгилги ва эҳтиёт қисмла- рини тежашда биз барча усуллардан самарали фойда- ланмоқдамиз. Энг аввало, фан-техника ютуқларини иш- лаб чиқаришга кенг жорий этиш, илғор усулларни қўл- ланишга алоҳида аҳамият берилмоқда. Кейинги йил- ларда бензин ўрнида газдан фойдаланиш кенгайди. Газ баллонлари билан жиҳозлан- ган дастлабки «Зил-138А» автомобилларини биз 1983 йилнинг охирида олган эдик. Қисқа вақт ичиди улар сонин 49 тага етди. Ўтган йили яна 77 та автомобиль қисилган газ билан ишлаш- га ўтказилди. Шундай йўл- лар билан бир йилда 90 тон- на бензин, 19 тонна дизель

ёнгил иқтисод қилинди. Айни пайтда биз ҳарақат- даги составнинг маршрутла- рини тўғри танлашга, юк та- шинишда автоприцеплардан тўлароқ фойдаланишга, ав- томобиллар ёнгил апарату- рини ўз вақтида ва сифатли ремонт қилиб сошлашга, ҳайдовчилар маҳоратини оширишга ҳам алоҳида эъти- бор бермоқдамиз.

Бир йил давомида 5 тонна қора металл, 8 тонна рангли металл, 10,5 тонна ишлатилган мой йиғилди. 506 та автошина ремонт учун топирилди. Тома-тома кўл бўлур дегаиларидек бу соҳада бошланган ҳаракат ҳам корхонага катта иқтисо- дий фойда келтиряпти.

Бугунги кунда коммунист- лар, барча транспортчилар диққат-эътибор партия XXVII съезди қарорларини амалга оширишга, янги беш йилликда қўйилган вазифа- ларни муваффақиятл ҳал этишга қаратилди. Бригада- лар қабул қилган мажбури- ятларда вазифалар конкрет белгилан олган. Уларнинг бажарилиши мунтазам назо- рат қилиб бориляпти.

А. БЕГМАТОВ, Тошкент шаҳар марказ- лашган усулда юк ташин автотрестига қарашли 2502-автоколхоз партия ташкилотининг секретари.



ОТА-ОНАЛАР СИГНАЛИ

Ангрен шаҳар халқ кон- троли комитетида тушган шикоят хатларидан бирида Облқдаги «Гунча» номли 29-болалар богчасида юз бе- раётган камчиликлар танқид қилинган эди. Ота-оналар сигнални текшириш учун

ҚАРОР БАЖАРИЛМАДИ

халқ контроли комитетининг жамоатчи активларидан иборат махсус группа тузилди. Улар составига Б. А. Дуд- ко, А. Я. Набардаев ва Н. Авлиёнова каби назорат- чилар киритилди. Текширув пайтида шикоят

хатидаги кўпгина фактлар тўла тасдиқланди. Турсун- тош Кабирова богчага му- дирлик қилаётганга 6 йил бўлибди. Лекин шу йиллар мобайнида у ишчи ахшиллаш юзасидан бирор чора қўрма- ди. Ишга ҳоҳлаган вақтида

келиб кетаверди. Ундан ёр- дамчиси Х. Бойишева ҳам андоза олди. Уларни танқид қилган кишининг боши эса балого қоларди. Аччиқ-чучук гапларга чидай олмаган Н. Солнева, Н. Зағудуллина, О. Юнусова каби тарбиячилар

шу боисдан «ўз хоҳишлари» билан ишдан бўшашга маж- бур бўлдилар.

Мудира богчага қарашли томорқани узиники қилиб олган. Бунга ҳам қўнмиқай боласини богчага жойлашти- риш учун келган ота-оналар- нинг қўлига қарайди. Совга- салом дуруст бўлса болани богчага қабул қилади. Ўй- са, овора бўласиз. Бориб-бо-

риб мудира нақд пулга ҳам ўрганди.

Шундан кейин у босар-ту- сарини билмай қолди. Ўз номда шахсий уй-жой бўла туриб, Ангрендан кварта- ра ундрди. Одамларни чағи- тиш учун бу уйни бошқа номга расмийлаштирди. Тек- ширув пайтида яна бир қат- тор чалқашликлар маълум бўлди. Богчада молиявий

интизом кўпол равишда бу- зилапти, социалистик мулк талон-тароқ қилинапти. Текширув якунилари шу йил март ойининг ўрталарида шаҳар халқ контроли коми- тетини мажлисида муҳомаа этилиб, ишончини йўқотган мудирани вазифасидан чет- лаштиришга қарор қилинди. Шундан кейин ота-оналар енгил нафас олишди. Лекин,

орадан 2—3 кун ўтмай Т. Кабирова яна богчада пай- до бўлиб қолди. Ўй ҳеч нарса бўлмагандек ишни да- вом эттирарди. Халқ кон- троли комитети қабул қил- ган қарор чамаси шаҳар халқ маорифи бўлими (му- дир Г. Р. Кучина)га етма- ганга ўхшайди.

Т. ШЕРАЛИЕВ, меҳнат ветерани.

